



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2023  
3-сон



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 3-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**  
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**  
профессор **Д.Х.Асланова**

**Масъул котиб:**  
профессор **М.Қ.Пардаев**

**Муҳаррирлар:**  
**Ф.А.Сафаров**  
**Ш.З.Ўрозов**

**Техник муҳаррир:**  
**А.Н.Холиқулов**

**Корректор:**  
**С.А.Бабаназарова**

**Саҳифаловчи:**  
**Ҳ.Н.Очилова**

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

Ўзбекистон худудида  
тарқатилади.

**Таҳририят манзили:**  
140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,  
тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(66)233-17-88  
факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:  
samiservis@inbox.uz

**Таҳририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

**Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар  
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

**Таҳрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-  
тика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

**О.М.Мургазаев** – ТДИУ Самарқанд филиали директори,  
иқтисод фанлари доктори, профессор

**М.Р.Болтабаев** – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва  
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ декани, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ доценти, и.ф.д.

<b>Shoira Azimovna Musayeva, Dilduza Ixomovna Usmonova</b> "Daka-Tex" MCHJ XKning faoliyatida marketingni boshqarishni takomillashtirish	153
<b>Музаффар Шокиржонович Ахмедов</b> Глобаллашув шароитида бошқарувнинг мотивацион назарияларининг персонал билан ишлашдаги аҳамияти	157
<b>МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ</b>	
<b>Нуриддин Эламонович Эрназаров</b> Акциз солиғини ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш	163
<b>БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ</b>	
<b>Мажит Жанызақович Бауетдинов</b> Дебитор қарздорликни камайтириш корхоналарнинг ликвидлигини таъминлашнинг зарурий шarti сифатида	166
<b>Тўлқин Исматулла ўғли Яҳёев</b> Курилиш корхоналари молиявий ҳолатини рейтинг баҳолаш механизмлари.	172
<b>Abdulaziz Abdullayevich Gulamov, Xurshidaxon Alisherovna Yegamberdiyeva</b> Vagon parkini aniqlashda omillar tahlilida ma'lumotlar taqsimotining bir xilligini tekshirish	176
<b>Олим Муртазаев, Гайрат Аблакулович Ибрагимов</b> Анализ агросервисных факторов, влияющих на прибыль при производстве основных сельскохозяйственных культур	180
<b>Илҳом Сайиткулович Очилов</b> Кластерлар фаолиятида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили	185
<b>Юсуф Ибрагимович Турдибеков</b> Автотранспорт воситаларини баҳолаш хизматларининг харажат ёндашуви методикасини такомиллаштириш	191
<b>Юлдуз Шарафиддиновна Рахмонова</b> Инвестициявий кўчмас мулкни халқаро стандартлар асосида тан олиш масалалари	197
<b>ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА</b>	
<b>Джахонгир Расулович Зайналов</b> Инновацион ғоялар замирида турли соҳалар учун кадрлар тайёрлашни мақсад қилиб олган олий таълим	201
<b>Хилола Фармоновна Очилова</b> Отраслевая система подготовки кадров для индустрии туризма	206
<b>Хилола Нематовна Очилова</b> Олий таълим хизматларини ривожлантиришнинг ички имкониятлари таҳлили	209
<b>ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР</b>	
<b>Сайдахроп Ғуломов, Мамаюнус Пардаев</b> Кексалик – буюк неъмат, агар одам унинг қадрига етиб яшаса	215
<b>ИБРАТЛИ БИТИКЛАР</b>	

## ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР

### Кексалик – буюк неъмат, агар одам унинг қадрига етиб яшаса

Одатда кўпчилигимиз маълум ёшга етганда энди пенсионерман, менга ҳеч нарса керак эмас, деб бутун фаолиятимизни тўхтатиб қўямиз. Аммо тарихга назар солсак ва бугунги кунда ҳам ёнимиздаги одамлар 70 ёшдан кейин ҳам жуда самарали фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Агар тарихга назар солсак, жуда кўп мутафаккирлар кексаликда ҳам ижоддан, меҳнат қилишдан тўхтаб қолмаганлар.

Инсонларнинг ёшини ва шу ёшдаги интеллектуал ва жисмоний салоҳиятини дунё миқёсидаги олимлар тадқиқ қилиб келган ва ҳозир ҳам давом этмоқда. Бу борада дунё олимлари, хусусан ўзимизнинг олимларимиз ҳам тадқиқот олиб бормоқдалар. Тадқиқотлар натижаси бир қанча хулосалар қилишга асос бўлмоқда. Булар:

Инсоннинг интеллектуал салоҳияти бўйича биринчи ўринда АҚШ олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг натижаси кўрсатишича одамнинг энг самарали ёши 60 дан 70 ёшгача даврни қамраб олар экан.

Иккинчи ўринда одамларнинг ёши бўйича самарали даври 70 дан 80 ёш ўрталарини ҳам олиш мумкин экан. Чунки одамлар бу ёшда ҳам анча самарали фаолият кўрсатар экан.

Учинчи ўринда турадиган самарали ёш 50 дан 60 ёш оралиғида экан. Чунки бу ёшда ҳам одам анча муваффақиятларга эришиш билан бирга, кейинги ёшлардаги муваффақиятлар учун ҳам пойдевор яратар экан.

Ушбу йўналишни қуйидаги далиллар билан исботлаш мумкин. Жумладан Нобель мукофотида сазовор бўлиб, бундай катта муваффақиятларни қўлга киритган олимларнинг ўртача ёши 62 ёшни ташкил қилади.

Дунё миқёсида жуда катта 100 та компаниялар Президентларининг ўртача ёши ҳам 63 ёшни ташкил қилади. АҚШдаги 100 та йирик черковларнинг руҳонийлари (пасторлари)нинг ўртача ёши ҳам 71 ёшни ташкил қилади. Попларнинг ҳам ўртача ёши 76 ёшни ташкил қилади.

Булардан ҳам кўриниб турибдики, инсоннинг энг самарали ёши 60 дан 80 ёш оралиғида экан. Ушбу маълумотлар “NEW ENGLAND JOURNAL OF MEDICINE” номли шифокорлар ва психологлар компанияси томонидан эълон қилинган.

Ушбу компаниянинг эътироф этишича одамлар 60 ёшда ўзининг энг юксак ҳис-туйғулари ва ақлий салоҳияти бўйича юқори чўққига чиқиб, ушбу ҳолат 80 ёшгача давом этар экан. Шу йигирма йил инсон учун энг унумдор ва самарали йиллар ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг ҳозирги қонунчилиги бўйича 60 ёшдан пенсия ёши белгиланган бўлиб, энг самарали пайғида аксарият одамлар меҳнат қилишдан тўхтатилади. Албатта жисмоний меҳнатдагилар учун балки тўғридир, аммо ақлий меҳнат қилаётган касблар учун бу ҳолатни яна ўйлаб кўриш керакка ўхшайди.

Бундай ҳолатга бир қанча мисолларни келтириш мумкин. Хусусан, шоир Беранже 77 ёшигача самарали фаолият кўрсатганлар. Ҳаммамиз кадрлайдиган Лев Толстой 82 ёшида ҳам фаол фаолиятда бўлганлар, Виктор Гюго эса 83 ёшида ҳам ишлаганлар. Академик Иван Павлов эса 87 ёшда ҳам ижод қилган ва бир қанча ихтиролар қилган.

Рим сенатори Марк Катон 80 ёшида грек тилини ўрганишга муваффақ бўлган. Сократ эса 70 ёшида жуда кўпгина музыка асбобларида куй чалишни ўрганганлар. Айнан шу ёшида ушбу санъатни мукамал ўрганиб, юқори даражага олиб чиқишга муваффақ бўлганлар.

Микеланджело 80 ёшида катта аҳамиятга молик бўлган газламасини (полотносини) яратдилар. Гёте эса 80 ёшида «Фауст» асарини тугатишга муваффақ бўлганлар. Яна бир ҳолат, немис тарихчиси Леопольд Ранке “Дунё тарихи” («Всемирная история») асарини 91 ёшида ёзиб тугатганлар.

Исаак Ньютон 85 ёшида ўта фаол бўлган ва чарчамасдан фаолият кўрсатиб юрганликларини кўп манбаларда қайд этилган. Лев Толстой 82 ёшида ўроқ ўриб, кўп ёшлардан унумли ишлаган. Чунки кўп ёшлар бу кишининг қилган ишлари даражасида иш қила олмаганликлари ҳам эътироф этилган. Лев Толстой айни кексалик ёшида “Уруш ва тинчлик” («Война и мир») асарини ёзиб тугатган. Шу даврда отда сайр қилиб юрадиган, велосипед минадиган, спортнинг кўп турлари билан шуғуллана оладиган, бир оёқда туриб 40 мартага ўтириб турадиган маҳоратга ҳам эга бўлган.

Америка фуқароси композитор ва дирижер Игорь Стравинский 88 ёшида ҳам самарали ижод қилган. Қадимги грек драматурги Софокл 90 ёшгача фаол ижод қилган. Файласуфлар Диоген ва

Демокрит, санъаткор (рассом)лар Тициан ва Микеланджелолар ҳам 80 ёшдан кейин ҳам самарали ижод қилиб, жуда кўшлаб янги асарларни ёзишга муваффақ бўлганлар.

Бернард Шоуни билмаган одам бўлмаса керак. Бу киши ҳам 94 ёшигача ижод қилиб келган. Ўзимизнинг иқтисодчи олимларимиздан Мухтор Расулов, Ахмаджон Ўлмасов, Шеркул Шодманов, Исмаил Абдукаримовлар ҳам 80 ва ундан ошган паллада ҳам ижод қилишдан тўхтаган эмас эдилар.

Бугунги кунда 90 дан ошиб, самарали ижод қилиб келаётган ижодкорларимиз ҳам йўқ эмас. Яқинда давлат ва жамоат арбоби, академик Оқил Ўмирзақович Салимов 96 ёшида «Янги Ўзбекистоннинг истеъдодли ёшлари» номли китобини нашр қилишда раҳбарлик қилиб, уни нашрдан чиқариб, тақдимоги СамДУда ўтказилди. Бу киши “Янги Ўзбекистон”, “Халқ сўзи” газеталарида энг долзарб мавзуларда мақолаларни ҳам тизимли равишда эълон қилиб бормоқда.

Замондошларимиздан Ёркин Абдуллаев 80 ёшида “Осуда яшашнинг 99 сири” туркумининг 27 жилдини нашрдан чиқариб, ўқувчиларга тақдим қилди. СамИСИ доценти Умар Худайбердиев ҳам 80 ёшида статистика фанидан дарсликни ёзиб тугатди ва нашрдан чиқарди.

Шунингдек, мамлакатимизнинг кўпгина олимлари 70-80 ёш оралиғида жуда катта ишларни амалга оширмоқдалар. СамИСИ профессори Мурод Муҳаммедов 70 дан ошгандан кейин жуда нуфузли тарихий асар “Ўзбекистон иқтисодиётининг тарихи: Амир Темур давридан то ҳозирги кунга қадар” номли 440 бетлик йирик асарни илк бор нашрдан чиқарди. Чунки мамлакатимиз иқтисодиётининг тарихи шу тарзда ёзилмаган эди. Худди шундай самарали ижод билан туризм соҳасида мактаб яратган олимларимиздан Искандар Тухлиев ҳам шуғулланиб келмоқда. Айнан бугунги кунда бир қанча дарслик ва ўқув қўлланмалар ҳам ёзмоқда.

Маълумки яқинда Америкалик олимлар Европалик олимлар билан ҳамкорликда оламшумил тадқиқот натижаларини эълон қилишга муваффақ бўлдилар. Хусусан, инсон мияси олдингидек 25-30 ёшларда эмас, балки 50 ёшгача такомиллашиб, ривожланиб борар экан. Агар одам фаол ақлий меҳнат билан шуғулланиб борса мия умуман чарчамаслигини ва ўзининг фаол фаолиятини тўхтатмаслигини исботладилар.

Одатда кексаликнинг давоси йўқ, у бедаво дард дейдилар. Бироқ юқоридаги далиллар шуни кўрсатиб турибдики, кексалик одамларда энг самарали фаолият олиб борадиган ёш экан. Фақат одамлар “Энди меники бўлди, пенсиядаман”, деб ўзини “ташлаб” қўймасликлари ҳам лозим экан. Агар одам фаол бўлса, ижоддан тўхтамаса, умрининг охиригача ижод қилиш имконияти борлигини юқоридаги мисоллардан кўриш мумкин.

Таникли рухшунос Дэниел Эймен “Ҳамма эшитган нарсаларингизга ишонаверманг, ҳатто у ўзингиз кечинмангизда бўлса ҳам”, деб таъкидлаган. Чунки ҳар бир инсоннинг катта тўсиғи, ўзининг сийратида бўлади. Агар муваффақиятларга эришишни хоҳласангиз бундай дунёқарашни “синдириш” кераклигини уқтирган. Бунда кўзда тутилган нарса шундаки, ҳеч маҳал “меники бўлди”, деб ўз фаолиятингизга ўзингиз “нуқта” қўйманг.

Ҳар бир инсоннинг қалби, ички туйғуси, иймони ва маънавий кучи инсоннинг ёши ўтишига боғлиқ бўлиб қолмас экан. Инсон тирик бўлса, бу Аллоҳнинг унга берган бебаҳо неъматидир. Фақат инсон ундан самарали фойдаланишни билиши ва шунга ўзини бошқара олиши лозим экан. Агар инсон Аллоҳга таваккал қилиб, астойдил ижод қилса, ёшидан қатъи назар, улкан муваффақиятларга эришиши мумкин экан.

Инсон ҳеч маҳал вақтим йўқ демаслиги керак экан. Ҳозирги яшаб турган онингиз – бу Сизга берилган вақт, катта имконият. Унинг ҳар лаҳзасидан самарали фойдаланиш ҳар бир инсоннинг ўз қўлида.

Кўриниб турибдики, кексалик – энди бўлди дегани эмас, балки у буюк неъмат экан. Фақат одамлар унинг қадрига етиб яшашлари лозим экан, холос. Ҳар бир инсон самарали меҳнат қилишдан тўхтамаса, астойдил ҳаракат қилса, умрининг охириги лаҳзасигача инсониятга нафи тегадиган ишларни қилиши мумкин экан. Бундай инсонлар абадиятга дахлдордирлар.

Юқорида келтирилган мутафаккирларнинг ёшлари тўғрисидаги маълумотларнинг бир қисми Ия Алексеевна Попованинг берган маълумотларидан ҳам олинган.

**Сайдахрор Ғуломов – ЎЗР ФА академиги,  
Мамаюнус Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.**

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

07.09.2023 йилда теришга берилди. 22.09.2023 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 13,6. Адади 100 нусха. Буюртма № 0074А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023